



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Қонунлар халқ фаровонлигига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қонунлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ролига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президентимиз томонидан 46 қонун лойиҳаси илгари сурилди. Ҳозирги кунгача улардан 34 таси қабул қилиниб, қўлга кирди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими янада демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишда парламентнинг фаолиятини жонлантириш, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишга хизмат қилмоқда.

— Хар бир қонун давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини кўзлаб қабул қилинади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бунёдхон Эшонқулов. — Қонунларнинг моҳияти жамиятнинг барча қатламига етиб боргандагина, улар яхши самара беради. Шу маънода, қонунлар ва соҳадаги ислохотларни тарғиб этиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўиш биз, депутатларнинг вазифамиз.

Давра суҳбатига ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-хуқуқ ислохотлари жараёнига қабул қилинаётган қонунларнинг таъсирини кучайтиришда Қонунчилик палатасининг роли ва аҳамиятини янада ошириш бўйича фикр алмашилди. Муайян қонунчилик ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



Депутат ва сайловчи

қандай ижтимоий масалалар ҳақида фикр алмашди?

Парламентда пишиқ-пукта қонунлар қабул қилиниши, одамларни ўйлантирадиган муаммолар чуқур муҳокама этилишида сайловчилар билан учрашувларнинг аҳамияти катта. Чунки шу жараёнда депутат қонунлар ижросини ўрганади, парламент назоратини кучайтириш бўйича

ўзига тегишли хулосалар чиқариб олади. Бошқача айтганда, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар депутатни, сиёсий партияни, унинг фракциясини ва ниҳоят, парламентни ҳаёт билан боғлаб туради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги

кенгайтирилган йиғилишида депутатларнинг жорий йилнинг 25 июнидан 5 июлига қадар сайлов округларида олиб борган фаолияти натижалари кўриб чиқилди. Сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар, ўрганилган маълумотлар атрофлича таҳлил қилинди.

➤ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

Ҳаяжонли дамлар яқин

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг республика босқичига қизғин тайёргарлик қўрилмоқда

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида партиямиз «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан 2008 йилдан бундан ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловига қизикувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. «Мен ватаним раваннақига ҳисса қўишни хоҳлайман» деган шiori ёшларни бирлаштирмоқда.

2014 йилдан кўрик-танлов 4 босқичда, яъни биринчи — бошланғич ташкилотлар, иккинчи — шаҳар ва туман, учинчи — вилоят ҳамда охири республика босқичи тарзда ўтказилапти. Бунинг натижасида бошланғич ташкилотлар билан янада самарали ҳамкорликни таъминлаш, аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш, шунингдек, сафимизни янада кенгайтириш имкони ошди.

➤ Давоми 2-бетда.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

«JV Man Auto Uzbekistan» қўшма корхонасининг Самарқанддаги сервис ва диллерлик марказида оғир юк кўтарувчи «MAN» транспорт воситалари учун кабиналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва янги технологияларни жорий этишга бағишланган брифинг ўтказилди.

«MAN» кабиналари юртимизда тайёрланади

2009 йилда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ҳамда Германиянинг дунёга машҳур «Man Truck&Bus Group» компанияси ҳамкорлигида «JV Man Auto Uzbekistan» қўшма корхонаси ташкил этилиши билан юртимизда оғир юк кўтарувчи «MAN» автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур корхонада тўлиқ вазни 16 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари ва махсус транспорт воситалари ишлаб чиқаришмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури автомобилсозлик корхоналари учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

— Давлатимиз раҳбари қарориди белгилаб берилган имтиёз ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, «Man Truck&Bus AG» саяё-ҳаракатлари билан корхонамизда тайёрланаётган «MAN» оғир юк кўтарувчи транспорт воситалари учун йилгига 3 минг донга кабина ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳани амалга оширдик, — дейди «JV Man Auto Uzbekistan» қўшма корхонаси янги лойиҳалар ва маҳаллийлаштириш департаменти директори Ойбек Аюбов. — Бунинг учун заводимизга Германия, Италия ва бошқа давлатлардан янги, замонавий технологиялар келтириб, ўрнатилди. Ходимларимиз хорижда билим ва малака ошириб қайтди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш билан корхонада 50 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Бу иш жойларида асосан автомобилсозлик йўналишидаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлар меҳнат қилмоқда.

Кабиналарни серияли ишлаб чиқаришга жорий йилнинг сентябрь ойидан киришилади.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

«Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз»

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши мазкур акция доирасида ҳар бир тумандаги 25 хонадонга кириб, йўқлов тадбирларини ўтказмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирлар даставвал Уйчи туманидан бошланди.

Навобий номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Орифжон Каримов яхши педагог сифатида жамоатчилик эътиборига тушган. Хасталик туфайли олти йилдирки, бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолган.

Ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан унинг хонадонига кириб борганимизда, кўзида қувонч порлади.

— Кайфиятинг яхши бўлса, тананг-даги дард ҳам сезилмайди, — дейди у. — Партия шундай эзгу ишлар билан шуғулланаётган экан, уларга минг раҳмат...

«Хуррият» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жаҳонхир Бахриддинов эндигина 16 баҳорни қаршилаган. Тақдир тақозоси билан у болаликдан ногирон бўлиб, тенгдошлари каби мактабга қатнолмади. Яқка тартибдаги машғулотларда савод чиқарди. Аммо унинг кўзларида келажакка ишончнинг, катта орзу-мақсадларнинг кўрасиз.

Тадбир давомида, шунингдек, «Ровот» МФИда яшовчи Жуманазар Асадуллаев, Гуландон Нишанова ҳамда Обиджон Мирзаев хонадонларида ҳам бўлди.

Уларга ташкилотчилар томонидан ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат вакиллари билан мулоқот

Андижон вилоятида ҳам «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси юзасидан туркум тадбирлар ташкил этилмоқда. ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши партия фаоллари, депутатлар, ҳамкор ташкилотлар иштирокида ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилаларга бориб, уларнинг ҳолидан хабар олди, самимий суҳбатлар ўтказди.

Айтиш керакки, учрашувлар давомида электоратимиз вакиллари партия дастурий мақсадлари тушунтирилиб, фуқароларни ўйлантираётган масалалар муҳокама қилинмоқда. Уларнинг хоҳиш-истаклари, келгуси режалари билан яқиндан танишиш имкони юзага келяпти.

Андижон шаҳридаги Муҳаббатхон Алимова, Зоя Визайлинова, Маҳмудхон Валиеванинг уйлари ораста, ховлилар гулу райхонга бурканган. Қизиги шуки, уй бекаларининг ҳеч бири бекор ўтирмас, бирор-бир хунарни ёки уй юмушлари билан банд эди. Вақтини фойдаланиб сарфлаётган хонадон эгалари депутатларга турли саволлар билан мурожаат қилишди. Ташкилотлар чоғида улар банкдан имтиёзли кредит олиш, фарзандини янги ногиронлик аравачаси билан таъминлаш масаласида ёрдам сўради. Хар бир мурожаат депутатлар назоратига олинди.

Шу кун яна кўплаб ҳамюртларимиз хонадонларига борилди. Уларни кириб келаятган энг улуг, энг азиз байрамимиз билан табриклаб, совға-саломлар топширилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жорий йил бошидан буён

«Соғлом она
ва бола йили»
Давлат дастури
ижроси доира-
сида жами 4,4
триллион сўм
ва 111 мил-
лион доллар-
дан зиёд маб-
лағ ўзлашти-
рилди.



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОЛОТ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ИЖТимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ, АЙНИҚСА, ҚИЗ БОЛАЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИШ ВА ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИШ, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЁЗЁВОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ГУРУҲИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН ДОИМИЙ КОМИССИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6 ОЙИДА ЎзХДП ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА КОММУНАЛ СОҲАГА ОИД 900 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ҲОЗИРГАЧА 80 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ.

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

■ Сайловчилар мурожаатларини ҳал қилиш, таклиф-мулоҳазаларини рўёбга чиқариш депутатлардан тинимсиз ҳаракат, фидойиликни талаб этади.

ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ

қандай ижтимоий масалалар ҳақида фикр алмашди?



Сайловчиларнинг фикр алмашиши

билан бирга, айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам маълум бўлди.

Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз билан бирга, бу масалада депутатлик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Учрашувлар пайтида кўплаб мурожаатлар бўлди. Уларни ҳал этиш зарур, албатта. Лекин бу ўринда асосий вазифа фуқаролар мурожаатлари асосида электротармоқларини ўйлантираётган муаммоларга тизимли равишда ечим топиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ҳисобланади.

Юзма-юз мулоқотларда

фракциямиз аъзоларига пенсия ва ижтимоий нафақаларни ажратиш, ёшларни ишга жойлаштириш, чекка ҳудудларда яшовчи кишиларга амбулатория хизматларини кўрсатиш, дори-дармон таъминотини яхшилаш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш, манзилли транспорт қатновини ташкил этиш, кредит олиш ва бошқа кўплаб масалаларда саволлар, мурожаатлар бўлди. Биз уларни ҳал этиш чораларини кўряптимиз, албатта. Лекин шу билан бирга, долзарб ижтимоий масалалар бўйича парламент назоратини кучайтиришимиз, аҳолини ўйлантириб келатган ҳар бир муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, тизимли ҳал қилишга эришишимиз керак, деб ўйлайман. Шунда сайловчилар билан учрашувларимизнинг самарадорлиги янада ошади.

Фракциямиз аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга ҳам эътибор қаратишди. Мустақиллик йилларида юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш бўйича қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар алоҳида қайд этилди. Хусусан, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар давомида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Аваз УРИНБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Учрашувларда бир нарсани кўп гувоҳ бўлдим. Бугун сайловчиларнинг дунёқараши бутунлай ўзгарган, ҳуқуқий

саводхонлиги ҳам баланд. Энг муҳими, одамларимиз мамлакатимиз эришяётган улкан ютуқлар, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга қаратилган ислохотлар ва уларнинг самаралари ҳақида фахр билан гапирди. Айниқса, ёшларимиз ўз мустақил фикрига эга. Уларнинг ҳар бири ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, келажакка умид билан қарамоқда, ишонч билан яшамокда. Бу энг катта ютуқларимиздан бири, деб ҳисоблайман.

Умуман, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Сайловчилар билан учрашувларда мустақиллик берган бекиёс имкониятлар тўғрисида кўп суҳбат кўрдик. Истиқлолнинг қадри ва аҳамияти ҳақида ёшларимиз билдирган фикрлар мени, айниқса, қувонтирди.

Депутатлар, шунингдек, сайлов округларида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди грантлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари билан тўғрисида ҳам ахборот беришди. Алоҳида қайд этилдики, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан 22 марта мулоқот бўлиб ўтган. Бундай тадбирларга нодавлат нотижорат ташкилотлар катта қизиқиш билдирган.

Йиғилишда фракция аъзолари сайлов округларида учраётган масалаларни бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига қатор саволлар беришди. Шу асосида ҳудудлардаги муаммоларни ечимга қаратилган тавсиялар тақдим этилди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти якуни атрофича таҳлил этилгандан сўнг фракция тегишли қарор қабул қилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловида иштирок этиш истаги билдирилган 19500 дан зиёд ариза қабул қилинди. Қатнашчилар сафида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиблари борлиги ҳам танловнинг йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Саралаш босқичларида 100 дан ортиқ ёшлар партия сафига қабул қилинди.

Ҳаяжонли дамлар яқин

«Ёш сиёсатчи — 2016»
кўрик-танловининг
республика босқичига
қизгин тайёргарлик
кўриломоқда

Айтиш мумкинки, Жиззах, Қорақалпоғистон республикаси, Фарғона, Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят партия кенгашлари танловни кўтаринки руҳ ва юқори савияда ташкил этди.

Яна бир қувонарли жиҳати, Хоразм вилоят кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоли Браймбек Абдуллаев ҳамда Юнусобод туман босқичи иштирокчиси Жасурбек Асқаров томонидан «Ёш сиёсатчилар» клубининг веб-сайти тақдим этилди. Бу клуб ёшлари учун чинакам совға бўлди.

Элнурбек КАРИМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси:

— Танловда биринчи бор иштирок этдим. Вилоят партия кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда «Ёш сиёсатчи» ҳақида эшитдим ва унда қатнашиш истаги пайдо бўлди. Биринчи, иккинчи босқичларда голиб бўлиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

Вилоят биринчилигига тайёргарлик кўриш жараёнида кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Ўзида сиёсий билим, маданият, нотиклик маҳорати ошганини сездим. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ўргандим.

Хозир республика босқичига қизгин тайёргарлик кўряпман. Ўйлаётганим, унда муносиб қатнашман ва ота-онамнинг ишончини оқлаш учун бор имкониятимни ишга соламан.

Дилмурод УСМОНОВ,
Халқабод педагогика коллежи ўқитувчиси:

— «Ёш сиёсатчи» танловида иккинчи марта иштирок этишим. Ўтган йилги ҳа-толардан ҳулоса чиқариб, бу йил пухта тайёрландим ва вилоят босқичида голибликни қўлга киритдим. «Лойиҳа тақдими» шартли орқали ўз ҳудудимдаги муаммоларни ўрганиш, очиб беришга ҳаракат қилдим. Туманимиздаги ўқитил-кули атрофини ободонлаштириш, бу ерда туризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳамга ҳакамлар ҳайъати томонидан катта қизиқиш билдирилди. Мен бундан хурсандман.

Моҳидил ҚУРБОНОВА,
Фарғона шаҳар санъат коллежи ўқувчиси:

— Биз, ёшлар келажакда етук сиёсатчи бўлишимиз, юксак марраларни эгаллашимизда мана шундай кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти катта, деб ўйлайман. Республика босқичида голиблар сафидан жой олиш ниятидаман. Келажакда юртимиз равангага муносиб ҳисса қўшадиган, халқ манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатадиган депутат бўлишни истаيمان.

Байрамбек АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилоят партия кенгаши «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоли:

— Бу йилги иштирокчиларни кўриб, ҳавасим келди. Менда ҳам ушбу танловда қатнашиб, голиб бўлиш истаги туғилди. Танлов шартлари бўлажак ёш сиёсатчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Айниқса, «Лойиҳа тақдими» шартли ёқди. Унга тайёргарлик кўриш давомида ҳудудимиздаги муаммоларни атрофича ўрганиш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш имконига эга бўламиз.

Суннатилла БОЗОРБОВЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бош референти.

Маълумотларга кўра, фракция аъзолари жами 348 учрашув, турли ижтимоий масалаларда давра суҳбати ва семинарлар ўтказган. Уларда, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга батафсил ахборотлар берилган.

Хусусан, учрашувларда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хавфсизлигини таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши бўйича амалга оширилаётган ишлар, олданда турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш

ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Депутатларнинг қайд этишича, сайловчилар билан учрашувлар очик ва самимий бўлди. Яна шуниси эътиборга молиқки, депутатлар муайян ижтимоий масалаларнинг аксариятини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга жойида ҳал этишга эришган. Хусусан, фуқароларнинг 335 мурожаати шундай ҳал этилган бўлса, 364 мурожаат маҳаллий давлат органларига, 34 мурожаат эса тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юбо-

риш учун тайёрланмоқда. Аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида берилиши каби масалалар ушбу мурожаатларнинг асосий қисmini ташкил этади.

Собитхон ТУРҒУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қабул қилинган қонунларнинг ижроси, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги, аҳоли, хусусан, электротармоқ вакиллари қандай муаммоларга дуч келаяётгани ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар олиш сайлов округларидаги фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлди. Бундан ташқари, партия-мизнинг устувор дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масаласи атрофича ўрганилди. Аввало, бу борада барча ҳудудда кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлашни истардим. Аммо ютуқлар

Депутатларнинг қайд этишича, сайловчилар билан учрашувлар очик ва самимий бўлди. Яна шуниси эътиборга молиқки, депутатлар муайян ижтимоий масалаларнинг аксариятини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга жойида ҳал этишга эришган. Хусусан, фуқароларнинг 335 мурожаати шундай ҳал этилган бўлса, 364 мурожаат маҳаллий давлат органларига, 34 мурожаат эса тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилотларга юборилишга тайёрланмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ

Аёлларни эъзозлаш, ҳимоя қилиш — долзарб вазифамиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар, кўмитанинг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти ҳамда галдаги режалари муҳокама этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёлларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари Давлат дастури ижросини таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, республикамизнинг барча ҳудудларида маҳаллий ҳокимликлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Маҳал-ланинг энг ораста қизлари» кўрик-танловининг туман, вилоят босқичлари муваффақиятли ўтказилди.

Давлат дастури доирасида илк марта ўтказилган «Меҳрибон кай-нона» кўрик-танловида 8 мингдан ортиқ онахон иштирок этди. «Гулшан аро гулчехралар»,

«Обод юртинг ораста қизлари» каби маърифий тадбирлар орқали қизларни касбга йўналтириш, турли мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш, ҳуқуқий, тиббий билимларини янада ошириш имконияти яратилди.

Қишлоқ жойларда хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш бўйича амал-лий ишлар олиб борилди.

— Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда, — дейди Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Инобат Каримова. — Ўтган даврда кўмитамиз Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаблар» ташкил этилди. Ўз мустақил ишини бошлаш иста-гиди битирувчиларга кичик бизнес



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари учун яратилган шароитлар, имкониятлар, кўрсатилаётган банк хизматлари ва солиқ имтиёзлари ҳақида батафсил тушунчалар бе-рилди. «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг даст-лабки босқичида коллежи тамом-лаган минглаб қизлар муваффақи-ятли иштирок этди.

— Айни пайтда вилоятимизда 3360 спорт комплекси фаолият

кўрсатмоқда, — дейди Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, ви-лоят хотин-қизлар кўмитаси ра-иси Хилола Юсупова. — Уларда 240 минг нафардан ортиқ хотин-қиз спорт билан шугулланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят микё-сида 400 га яқин спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларда 150 минг нафардан ортиқ хотин-қизларимиз иштирок этди. Республика ва хал-қаро микёсдаги мусобақаларда

вилоятимиз спортчи қизлари 321 медални қўлга киритди.

Йиғилишда хотин-қизлар банд-лигини таъминлаш, аёллар спорт, тадбиркорлигини янада ривожлан-тириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлашга оид масалалар ат-рофича муҳокама этилди, келгуси режалар белгилаб олинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ
— ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

■ Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирлиги тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил этилган бўлиб, мазкур тузилмалар томонидан салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

ҲИМОЯ ИНСТИТУТИ

Мустақиллик йилларида инсон эркинлиги, ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш борасида кенг қўлланма чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, адвокатура институти ва адвокатлар ваколатини ошириш, ҳуқуқини мустақамлаш бўйича қатор амалий ишлар қилинди.

Хўш, ҳимоя институти, деб аталмиш адвокатура-нинг бугунги ривожини, ҳуқуқий асослари қай даражада? Унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашдаги ўрни қандай?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХД органлари бошқармаси етакчи масъуллари Азизхон Шарофидинов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Мустақиллик йилларида адвокатлар таркибини малакали, бой ҳаётий тажрибага эга кадрлар билан тўлдириш, ушбу тизимнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашдаги аҳамиятини кучайтиришга йўналтирилган ислохотлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Мазкур институт шахснинг қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин тутганлиги сабабли, ҳар қандай адвокат томонидан кўрсатилган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (116-модда)да мустақамлаб кўйилган. Шунингдек, соҳанинг ҳуқуқий асослари алоҳида қонунларда ўз ифодасини топан. Жумладан, 1996 йил 27 декабрда «Адвокатура тўғрисида», 1998 йил 25 декабрда «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши тизим тараққиётини таъминлашда долзарб аҳамият касб этди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эса тергов ва суд ишини юриштирининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайдиган конституциявий меъёрни амалга ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, адвокатларнинг мустақиллиги қафолатларини кучайтириш, бу касбнинг жамиятимиздаги обрў ва нуфузини оширишда, бир сўз билан айтганда,

Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож юртдошларимиз адвокат ёллашдан олдин унинг юқори малакали ва етарли тажрибага эга эканига амин бўлиши, шунингдек, битим (шартнома) имзолашдан аввал ундаги ҳар бир бандни яхшилаб ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

адвокатура институти фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштиришда тарихий қадам бўлди.

Фармонда қайд этилган вазифаларни ҳаётга таъбиқ қилиш мақсадида 3 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ва 10 та яқин идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2008 йил 31 декабрда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, шу асосда қатор кодекслар ҳамда қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

— Ҳимоя институтининг мавқеини янада кўтариш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳақида кенгроқ тўхталсангиз.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида бошқармалар ташкил этилган бўлиб, мазкур тузилмалар томонидан салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, республика-мизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат

қўлланма чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра, мажбурий аъзоликка асосланган, адвокатларнинг марказлашган рўйхатдан ўтказилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу палатанинг ҳудудий бошқармалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг обрў-этиборини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга қўмқолаш, адвокатларнинг қонуний манфаатларини йўқолашдан ҳимоя қилиш, Шунингдек, аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини таъминлаш ва шаҳарларда юридик масъалаларни ташкил этиш орқали таъминлаш, адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш ҳам палатанинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

— Адвокат бўлишга қарор қилганларга қатъий талаблар қўйилади. Ҳамма ҳуқуқшунос ҳам адвокат бўлиб қетавермайди. Мазкур мана шу жиҳатини ҳам кўпчилики қизиқтиради...

— «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланган ҳолати туғалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шугулланишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, адвокат илмий ва педагогик, Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги иш билан шугулланишга ҳақли эмас. «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда адвокат бўлишни истовчилар юридик мутахассислик бўйича камидан икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камидан олти ой стажировка ўташи шартлиги белгиланган.

Адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия адлия органлари томонидан Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида тузилган малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Адвокатлар ҳар уч йилда бир марта ўз малакасини ошириши шарт.

Ҳозирда мамлакатимизда 1 542 адвокатлик тузилмаси, шундан 1043 адвокатлик бюроси, 432 адвокатлик фирмаси, 67 адвокатлар ҳайъати фаолият кўрсатган бўлиб, уларда жами 3 968 нафар адвокат аҳолига юридик ёрдам кўрсатмоқда.

— Баъзида ўз адвокатдан нолиб гапирётганлар ҳам учраб туради. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, адвокат жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган битим (шартнома)да белгиланган топшириқ ва мажбуриятларни

бажаришга масъулдир. Адвокат унга юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунда, албатта, ишонч билдирувчи шахс ёки ҳимоя остидаги кишининг шикоятлари асос бўлади.

Бундай ҳолатда адвокатга нисбатан белгиланган тартибда хизмат текшируви ўтказилади. Муҳолатдаги маълумотлар тасдиғини топан тақдирда адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғатилиб, тегишли ҳудуддаги малака комиссияси муҳомадасига киритилади.

Унинг натижалари бўйича малака комиссияси огоҳлантириш тўғрисидаги, лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги, лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ёки интизомий жазо чоралари қўллаш ради этиш, интизомий иш юриштириш тугатиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилади.

Ҳуқуқий ёрдамга муҳтож юртдошларимиз адвокат ёллашдан олдин унинг юқори малакали ва етарли тажрибага эга эканига амин бўлиши, шунингдек, битим (шартнома) имзолашдан аввал ундаги ҳар бир бандни яхшилаб ўрганиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу соҳада истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар адвокатура-нинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди. Ҳимоя институти том маънода ўз номига муносиб бўлишига шароит яратилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Равшан ШОДИЕВ
суҳбатлашди.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Навоий вилоятининг Кармана тумани истиқлол шарофати билан қайта тугилди. Мустақиллик Карманага янгича руҳ олиб кирди. Одамларига эса янги ҳаётни ҳада этди. Ушбу туман ҳақида гап кетганда, аввало, Президентимизнинг махсус фармони билан ташкил этилган Навоий эркин-индустриал — иқтисодий зонаси кўз ўнгингизда гавдаланади. Унинг ҳудуди бир пайтлар яйловдан иборат бўлган. Ўша Маликқўл ҳозир санат марказига айланди. Бугун бу ердаги 22 қўшма корхонада минглаб навоийлик ёшлар меҳнат қилапти. Уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлар.

Кармананинг
беқиёс
салоҳияти ва
имкониятлари

Уларнинг қўли билан жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрланмоқда. Жанубий Корея, Хиндистон, Хитой, Сингапур каби ўндан зиёд давлатлар иштирокидаги қўшма корхоналарда автомобиль учун газ баллонлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, юқори кучли-нишга чидамли электр кабеллар, аёллар ва болалар гигиеник воситалари, пардоз маҳсулотлари, полиэтилен ва



полипропилен қувурлар, планшет, мобил ва стационар телефонлар ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу маҳсулотлар Россия, Қозғоғистон, Хиндистон, Индонезия, Туркменистон сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

Туманда замонавий иншоотлар, таълим ва тиббиёт масканлари, савдо ва хизмат кўрсатиш, замон талабларига мос келувчи меҳмонхоналар барпо этилди. Пасткам, қўримсиз уйлар ўрнини замонавий турар-жойлар эгаллади. Дарвоқе, шу давргача туман марказида 3 та «Қамолот» уйи барпо этилди. Жорий йилда яна ҳар бири 32 хонадонли 4 уй қурилиши режалаштирилган. Ҳар соҳада фаол, та-шаббускор ёшлар ўз уйларига эга бўлганликларидан мамнун.

— 2012 йилда ЎзХДП ташаббуси билан ўтказилган «Еш сибсати» кўрик танловининг Республика босқичида иштирок этиб, 3-ўринни қўлга киритган эдим, — дейди янги хонадон соҳиб Рустам Хайитов. — Мана шу ютуғимни инобатга олган ҳолда менга «Қамолот» уйларидан бирини беришди. Уйимиз шинам, барча қўлайликлар яратилган. Биз юксак ишонччи оқлаш учун астойдил меҳнат қиламиз.

Ўтган йили туманда 488 намунавий лойиҳа асосидаги уйлар ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда ҳам бундай эзгу иш давом эттирилмоқда. Йил охиригача 639 оила уй тўйини нишонлайди.

Туманда ички йўлларни асфальтлаш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Навоий шаҳри билан боғловчи йўлнинг икки тарафида замонавий супермаркет, тўйхона, ошхоналар қурилди. Еритиш чироқлари ўрнатилди.

Болалар музика ва санъат мактаби, спорт иншоотлари болажонлар билан доимо гавжум. Бу ерда юксак маънавиятли, жисмонан соғлом авлод вояга етмоқда.

Бугун Карманада ким билан суҳбатлашсанг, тили-ю дилида шукроналик. Кексалар дуода, ёшлар эса улкан марраларни қўзлаган ҳолда яшамоқда, меҳнат қилмоқда.

Илхом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«ИПОТЕКА-БАНК»: ИСТИҚБОЛЛИ САРМОЯЛАР

Банклар фақат кредит берадиган, молиявий таъминлайдиган муассаса эмас, балки чуқур иқтисодий-молиявий таҳлил қиладиган, мижозларга масъулат ва йўналишлар берадиган ҳамкорга айланиб бормоқда. Зеро, бунинг давр тақозо этмоқда.

«Ипотека-банк» ҳам бу борада бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Банк томонидан ажратилаётган кредит маблағлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё харид қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини моддий-техник базасини мустақамлаш, турли хил минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш, маҳаллий хомашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда маиший хизмат турларини ривожлантириш, шунингдек, енгил санат ва қайта ишлаш санати бўйича истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами 595,5 миллион сўм кредитлар ҳисобидан 8 минг 472 иш ўрни яратилди. Банк-молия тизимида мижозларга хизмат сифати тобора

яхшиланиб, банк филиаллари сони ортмоқда. Бугунги кунда республика-миз миқёсида «Ипотека-банк»нинг 38 филиали ҳамда 153 минибанки фаолият олиб борапти.

Молия муассасаси тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркор аёлларга 65,9 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.


Шунингдек, сервис соҳасини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тури ва сифатини янада ошириш мақсадида банк томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 102,4 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилган.

МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Рустам ҲАЛИМОВ,

Самарқанд вилоятидаги «Uzbiokombinat» хусусий корхонаси раҳбари:

— Кўп йиллардан бундан «Ипотека-



банк»нинг Самарқанд вилояти филиали мижозиман. 2008 йилда чорва моллари учун дори препаратлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилди. Маҳсулотларимиз харидорлигидан боис, ўша йилнинг биринчи чорагидан бери ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори кўрсаткични қайд этдик. 2015 йил октябрида банкнинг Самарқанд филиали сармоясига ҳисобига Туркия, Хитой ва Хиндистондан янги замонавий ускуналар олиб келдик. Натижада маҳсулотларимиз тури ўндан ортди, сифати ошди. Ўтган йили маҳсу-

лотларимизнинг катта қисmini хорижа экспорт қилдик. 130 нафар йигит-қиз корхонамизда ишламоқда. Келгусида молия муассасасидан яна кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ниятидаман.

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Тўлқин АКБАРОВ,

Тошкент вилоятидаги «Ўғит савдо» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамизда экин парварилашда фойдаланиладиган ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Хизматлар лицензияланган.



Корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сезилди. Шу масалада «Ипотека-банк»нинг Меҳнат филиалига мурожаат қилдик. Импорт ўрнини босувчи ҳамда экспорт-боп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган лойиҳамиз қўллаб-қувватланди. Жорий йил апрелида банкдан олинган бир миллион сўмга яқин кредит эвазига зарур жиҳозлар ва асбоб-ускуналар харид қилдик. Маҳсулотларимизнинг асосий қисmini Украина, Туркия, Қирғизистон ва Дубайга жўнатаёلمиз. Қўшимча 5 иш ўрни яратдик.

Мазкур молия муассасасидан яна 700 миллион сўм кредит олиб, фармацевтика маҳсулотларини қадоклаш учун асбоб-ускуналар сотиб олишни режалаштиряпмиз.

Банк материаллари асосида
Шаҳноза РЎЗИЕВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

■ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Қадимий ва навқирон
Хива шаҳрида илк бор
«Рақс сеҳри» халқаро
фестивали бўлиб ўтди.
Унда Қорақалпоғистон
Республикаси, Тошкент
шаҳри ва барча вилоят-
лардан, шунингдек, бир
қатор хориж мамлакат-
ларидан санъаткорлар,
фольклор жамоалари
иштирок этди.

Куй- наволар барчани сеҳрлади, рақсга чорлади



Фестиваль доирасида Ишон
қалъадаги Матмурод Девонбеги
мадрасасида қадимий рақс
санъати ва унинг кейинги бир
аср мобайнида ривожланиш
жараёнлари акс этган фото-
кўргазма ҳамда миллий ҳунар-
мандчилик намуналари ярмар-
каси бўлиб ўтди.

Қалъа майдони ҳамда Тош-
хўли мажмуасида меҳмонлар
ва хорижлик сайёҳлар учун
«Хива нақшлари», «Сайқал» ва
«Достон» фольклор этногра-
фик ансамбллари, кўтирчоқ
театри артистлари, дорбоз,
масхарабозлар чиқишлари ва
бир қатор театрлашган томо-
шалар намойиш этилиди.

«Хоразм лазиси»нинг
танбур, дутор, қайроқда ижро
этиш сингари ўндан ортик
турлари бор, — дейди **Богот
Муסיқа** ва санъат мактаби
ўқитувчиси **Йўлдош Хожаев**. —
Кўҳна Арк майдонида маш-
хур рақс куйи сурнайда ижро
қилинганда нафақат саҳна-
да, балки томошагоҳда ҳам
барча ўйинга тушганини сўз
билан таърифлаб бўлмайди.

— Рақс мўъжизакор санъат
тури. Мен умримни миллий
рақс ривожига бахшида эт-
ганимдан бахтиёрман, — дейди
**Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар
Матқубова**. — Истиқлол йил-
ларида барча санъат турлари
каби рақс санъатига ҳам катта
эътибор билан қаралмоқда.
Ишонаманки, бу йил илк бор
Хивада ўтказилган «Рақс сеҳ-
ри» халқаро фестивали Самар-
қандда ўтказилаётган «Шарқ
тароналари» халқаро муסיқа
фестивали сингари довруқ та-
ратлади ҳамда ана шундай анъа-
навий, умрбоқий бўлиб қолади.

Уч кун мобайнида давом эт-
ган куй-наволар барча-барча-
ни ўз сеҳрига олди, рақсга чо-
рлади. Фестиваль том маънода
ўзбек миллий рақс санъати-
нинг халқаро миқёсдаги бай-
рамига айланди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Мустақиллик ҳар биримизга ўз кадр-қимматимизни англаш,
орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш имкониятини берди.

ЁШЛАРГА ДУНЁ ЭШИКЛАРИ КЕНГ ОЧИЛДИ,

— дейди Ўзбекистон халқ артисти Самандар Алимов



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат
академик катта театри. Зал томошабинларга
тўла. Саҳнада италян композитори Жузеппе
Вердининг «Трубадур» операси намойиш қилин-
моқда. Ёшгина ўзбек йигити Манрико ариясини
ижро этаётганида театр артистларига маҳорат
сабоқлари ўтиш учун Италия ҳамда Россиядан
келган опера ва балет ижрочилари ҳаяжондан
беихтиёр ўринларидан туриб кетишди. Зал ҳам
оёққа қалқиди, гулдурос олиқшлар янгради.



Ў.А. сураги.

Бу йигит санъат йўлидаги хиз-
матлари учун ўтган йили Ўзбекис-
тон халқ артисти унвонига сазовор
бўлган опера солисти Самандар
Алимов эди. Томоша тугагач, ита-
лиялик опера хонандаси Ренато
Брузон ёшига хос бўлмаган эпчил-
лик билан саҳнага югуриб чиқди ва
Самандарнинг пешонасидан ўпиб:
«Бу йигитнинг соҳир овозида Ман-
рико ариясини ижро этган Лучано
Павароттининг жозиба ва шиддати-
ни кўрдим. Мана шундай ёш ва за-
бардаст, бетакрор овоз соҳиблари-
ни етиштириб берган Ўзбекистон
халқига, мўъжизакор заминга таъ-
зим қиламан», — деди.

Шу ўринда бир савол кишини
ўйга толдиради: агар мустақиллик
бўлмаганида мамлакатимизнинг энг
чекка ҳудудларидан бири — Сурхон-
дарё вилоятининг Қизилрўк тумани-
да туғилиб, вояга етган қишлоқ йи-
гитининг бир кун келиб Халқаро
санъат анжуманларида, хориж са-
ҳналарида энг машҳур опера хонан-
далари ижро этган арияларни куй-
лаб, мухлислар олқишига сазовор
бўлишини тасаввур қилиш мумкин-
миди?...

Самандар Алимов Термиз дав-
лат муסיқа билим юртида таҳсил
олаётган кезларида академик хонан-
далик йўналишини танлади, унинг
овоз салоҳиятини юқори баҳолаган
устозларининг маслаҳати билан
ўқишни давом эттириш учун пой-
тахтага йўл олди.

— 2000 йилда Тошкент давлат
консерваториясига академик хонан-
далик йўналиши бўйича ўқишга кир-
ганимда, Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон давлат академик катта
театрида композитор Сулаймон
Юдаковнинг «Майсаранинг иши»
операси қўйилганидан бўлди, — дей-
ди **Самандар Алимов**. — Мен би-
лим юртида ўқиётганимда ана шу

операдан Чўпон ариясини ижро эт-
ганман. Театр режиссёри тенор овоз
йўқлиги учун устозим, Ўзбекистон-
да хизмат кўрсатган артист, про-
фессор Халилжон Абдуқодиоровдан
рухсат сўраб, мени Чўпон образини
ижро этишга тақлиф қилди.

Бу жуда катта драматик маҳорат-
ни талаб қиладиган ролни ўз вақти-
да тенгсиз овоз соҳиблари бўлмиш
Саттор Ярашев, Эргаш Йўлдошев-
лар ижро этишган. Устозим далда-
си билан ижро этган шу ролим маъ-
қул бўлиб, мени театрга ишга олиш-
ди. Шундан буён театр менинг кадр-
дон уйим бўлиб қолди.

Самандар Алимов театр фаоли-
ятидан ажралмаган ҳолда Тошкент
давлат консерваториясига 2004
йилда бакалаврлиқни, 2006 йилда
магистратурани тамомлади. Ўша
йиллари италиялик машҳур компо-
зитор Жоаккино Россинининг «Се-
вильялик сартарош» асарида граф
Альмавива ролини юксак маҳорат
билан ижро этиши уни операнинг
бепоён уфқлари сари бошлади.

Опера солисти театрд ҳозирга
қадар ўндан ортик беш ролларни
ижро этди, кўлаб халқаро тоифа-
даги фестивалларда қатнашди. 2010
йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсат-
ган артист, 2012 йилда Жанубий
Кореянинг Ли Ён Сон халқаро кон-
курс лауреати, «Эътироф — 2013»
танловига «Йилнинг энг яхши опе-
ра ижрочиси» номинацияси бўйича
ғолиб бўлди.

— Мустақиллик туфайли биз син-
гари истеъдодли ёшларга дунё
эшикларини, имконият эшикларини кенг
очилди, — дейди **Самандар Али-
мов**. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар
йили 600 мингдан кўпроқ йигит-қиз
юртимиздаги олий ўқув муассаса-
ларини битириб, ҳаётга йўлланма
олади. Бу — камида икки-учта касб-
хунарни, чет тилларни, Интернет ва

ахборот технологияларини, замона-
вий билимларни эгаллаган, ривож-
ланган давлатлардаги тенгдошлари-
дан кам бўлмаган авлод Ватан хиз-
матида шайланаяпти, деган гап.

Ёшларимиз бугун жамиятимиз-
нинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи ку-
чига айланиб, ҳаётга кириб келмоқ-
да. Президентимиз таъкидлагани-
дай, бизнинг энг катта суянчимиз
ва таянчимиз бўлмиш ана шундай
ёшларга, беқиёс салоҳиятга эга
бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан
қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга
барчамизнинг ишончимиз қомил.

Анча йиллардан буён мамлакат
миқёсда ўтказиладиган барча бай-
рам тадбирларида қатнашиб кела-
ман. Ҳозир ҳам мустақиллигимиз-
нинг 25 йиллик байрамига тайёр-
гарлик кўраётимиз. Халқаро миқёсда
ўтказиладиган турли фестиваллар-
да қатнашиш билан бирга байрам-
га совға сифатида бир неча опера-
лардан янги роллар тайёрлаётиман.

Яқинда Ўзбекистон давлат ака-
демик катта театрида ёш опера хо-
надалари, Ўзбекистон давлат кон-
серваторияси талабаларига Италия
ҳамда Россиядан келган машҳур
опера ва балет ижрочилари томо-
нидан маҳорат сабоқлари ўтказ-
илди.

Улар ёш санъаткорларга асар
ғоясини тингловчига еткази билиш
билан бирга оҳанглар авжи, ижро

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ СПОРТ

Нукусда «Маҳалла» паҳ-
лавонлари мусобақаси бўлиб
ўтди.

«Маҳалла» хайрия жамоат
фонди Қорақалпоғистон Рес-
публикаси бўлими ва бошқа
ташкилотлар ҳамкорлигида
ташқил этилган турнирнинг
дастлабки босқичи 334 овул
ва маҳалла фуқаролар йиғи-
нида ўтказилди. Унда 13-14
ёшдаги 4 мингдан зиёд ўсмир
иштирок этди.

МАҲАЛЛАНИНГ САРА ПОЛВОНЛАРИ

Ёш авлодни жисмонан бақувват,
маънан етук инсонлар этиб тарбия-
лаш, улар ўртасида соғлом турмуш
тарзини қарор топтиришга хизмат
қилаётган ушбу спорт мусобақаси-
нинг Қорақалпоғистон Республика-
си босқичида 3 вазн тоифасида 90
нафар ўғил-қиз ғолиблик учун ўзаро
кураш олиб борди.

Қизлар ўртасида 44 ва 48 кило-
грамм вазн тоифасида тахтакўпир-
лик Ойжамол Жумамуратова ва
Айнура Пердеева ғолиблик шох-
супасига кўтарилган бўлса, 52 ки-
лограммда Қораўзақ туманидан
Меҳрибон Қидирбоевага тенг кела-
дигани топилмади.

Ўғил болалар ўртасида 46 кило-
грамм вазн тоифасида нукуслик
Жасурбек Акимов, 50 килограммда
мўйноқлик Нурход Жўлдасбоев, 55
килограммда Амударё туманидан
Хурсандбек Жўллубоев ғолиб
бўлди.

— Мўйноқ туманидаги 1-болалар
ва ўсмирлар спорт мактабида тажри-
бали мураббий Темур Маратов-
дан кураш сирларини ўрганмоқда-
ман, — дейди турнирда энг юқори
натижа кўрсатган ёшлардан
Н.Жўлдасбоев. — Маҳалламизда
биз, ёшлар учун барча шароит яра-
тилган. Бўш вақтимизда спорт би-
лан шуғулланамиз. Замонавий
спорт мажмуаси, стадион ихтиёри-
мизда. Турли спорт мусобақалари
мунтазам ўтказилади.

Ғолибларга диплом ва эсдалик
совғалари топширилди.

А.ОРИҚБОВ,
Ў.А. мухбири.

■ ЭЪЛОН

«O'TKIR SAVDO
KOMPLEKSI» MCHJ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
507-сонли фармойишига
кўра, низом жамғармаси 67
миллиард сўмдан 54 милли-
ард сўмга камайганлигини
маълум қилади.

Маъмурият.

Хизматлар лицензияланган.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+33/+25	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+38/+25	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+37/+25	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+40/+28	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+35/+27	
Тошкент шаҳри	+34/+25	

■ РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:45
Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI